



UDC: 339.5

ORCID: 0000-0001-6836-6461

ЎЗБЕКИСТОНДА ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИНГ ЎРНИ

Бобобеков Фарход Рустамович,

Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти,
e-mail: farkhodbr@gmail.com

***Аннотация.** Дунё тажрибасидан келиб чиқиб, шуни айтиши мумкинки, мамлакатнинг халқаро бозорларга чиқиши ҳамда экспорт кўламини ривожлантириши йўлида факторингнинг роли беқиёс ҳисобланади. Бу борада ҳар бир мамлакатнинг факторинг билан шугулланадиган тижорат банклари, компаниялар ва ташиқи факторинг Ассоциациялари билан бевосита ҳамкорлик қилиши ички (миллий) ва ташиқи факторинг ривожланишидаги муҳим қадамлардан биридир. Мамлакатимизда факторинг операцияларини ривожлантиришида халқаро амалиётнинг роли беқиёс. Хусусан, факторинг бўйича йирик компания (ассоциация)лар билан ҳамкорлик қилиши бу борада мавжуд муаммоларга ечим сифатида хизмат қилиши лозим. Таҳлил натижаларимиз шуни кўрсатмоқдаки, 2007–2009 йиллардаги Жаҳон молиявий инқироzi, 2014–2016 йиллардаги нефть нархи ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларнинг тушиб кетиши факторинг операцияларининг бутун дунё бўйича ўсишига сезиларли таъсир қилмаган. Лекин 2019 йилда бошланган SARS-Cov-19 пандемияси факторинг операцияларининг кескин пасайишига олиб келган. Мазкур мақолада факторинг бўйича халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қолаверса, мамлакатимиз тижорат банкларининг халқаро факторинг компаниялар билан интеграциялашуви жараёни ва дунё факторинг айланмаси таҳлилий нуқтаи назардан кўриб чиқилди. Мақолада дунёда факторинг ривожланишига ижобий таъсир қилаётган факторинг ассоциациялар, факторинг амалиётининг охириги ўн бир йиллик таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда факторинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг ечимлари ҳақида хулоса ва таклифлар келтирилди.*

***Калит сўзлар:** дебиторлик қарздорлиги, ишлаб чиқарувчи, харидор, фактор, факторинг операциялари, тижорат банки, факторинг компаниялари, Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI).*

РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА В РАЗВИТИИ ФАКТОРИНГОВОЙ ПРАКТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Бобобеков Фарход Рустамович,

Технический институт Ёджу в Ташкенте

***Аннотация.** Из мирового опыта ясно, что роль факторинга в расширении доступа страны к экспорту и международным рынкам неопределима. В связи с этим прямое сотрудничество компаний, которые непосредственно связаны с факторинговой деятельностью и особенно с внешними факторинговыми ассоциациями, является одним из важных шагов по развитию внутреннего и внешнего факторинга. Неопределима роль международной практи-*



ки в развитии факторинговых операций в нашей стране. В частности, сотрудничество с крупными факторинговыми компаниями (ассоциациями) послужило бы решением существующих проблем в этой сфере. Результаты нашего анализа показывают, что факторинговые операции не оказали существенного влияния на рост факторинговых операций в мире после мирового финансового кризиса 2007–2009 годов, падения цен на нефть и других экономических показателей в 2014–2016 годах. Но начавшаяся в 2019 году пандемия вируса SARS-CoV-19 привела к резкому сокращению факторинговых операций по всему миру. В данной статье с аналитической точки зрения рассмотрены международные нормативно-правовые документы по факторингу, а также процесс интеграции наших коммерческих банков с международными факторинговыми компаниями и мировой факторинговой оборот. В заключении на основе анализа развития факторинга в мире за последние одиннадцать лет представлены выводы и рекомендации по факторам, влияющим на развитие факторинга в Узбекистане, разработаны пути их решения.

Ключевые слова: дебиторская задолженность, производитель, покупатель, фактор, факторинг, коммерческий банк, факторинговые компании, Международная ассоциация факторинга (FCI).

THE ROLE OF INTERNATIONAL EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF FACTORING IN UZBEKISTAN

Bobobekov Farkhod Rustamovich,
Yeoju Technical Institute in Tashkent

Abstract. It is clear from the world global experience that the role of factoring in expanding a country's access to exports and international markets is invaluable. In this regard, direct cooperation of companies that are not directly related to factoring activities, and especially with external factoring associations, is one of the important steps for the development of internal and external factoring. The role of international practice in the development of factoring operations in our country is also invaluable immeasurable. In particular, cooperation with large factoring companies (associations) would serve as a solution to existing problems in this area. The results outcomes achieved from our analysis show that factoring operations did not have a significant impact on the growth of factoring operations in the world after the global financial crisis of 2007–2009 and the fall in oil prices and other economic indicators in 2014–2016. But the SARS-CoV-19 pandemic, which began in 2019, led to a sharp reduction in factoring operations around across the world. In this article, we have reviewed international regulatory documents on factoring, as well as the process of integration of our commercial banks with international factoring companies and the global factoring turnover from an analytical point of view. In conclusion, based on the analysis of the development of factoring in the world over the past eleven years, we have presented our conclusions and recommendations on factors affecting the development of factoring in Uzbekistan, and as well as the ways to of solve addressing them.

Keywords: accounts receivable, manufacturer, buyer, factor, factoring, commercial bank, factoring companies, International Factoring Association (FCI).

Кириш

Дунё мамлакатларида глобализация ва интеграциялашув жараёнида ўзаро кооперация жараёни тезлашмоқда. Мамлакатлар ўртасида инвестицион оқимлар, экспорт-

импорт операциялари, инновацион ғоялар ва ахборот алмашинуви кундан-кунга янги марраларни забт этмоқда. Ҳозирги глобализация жараёнида ишлаб чиқарувчилар асосий эътиборни ўз маҳсулотларини халқаро



бозорга олиб чиқишга қаратиши асносида уни бир бутун маҳсулот сифатида бир нечта давлатларда тайёр маҳсулот ҳолатига келтирмоқдалар. Европадаги Airbus, Siemens ва бошқа компанияларни бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Бошқа томондан эса глобализация жараёни ўзининг акс таъсирини ҳам кўрсатмоқда. Масалан, 2008 йилдаги Жаҳон молия бозоридаги инқироз 2014 йилда Россия ҳукуматининг сиёсий қарашлари ўларок, дунёнинг ривожланган давлатлари томонидан жорий қилинган иқтисодий санкциялар оқибатида нафақат Россия, балки унинг яқин қўшнилари бўлган МДХ давлатлари иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бундан ташқари, АҚШ нинг йирик саноати ривожланган давлатлар учун жорий қилган чекловлари, 2014–2016 йилларда жаҳон бозорида нефть нархининг кескин тушиб кетиши (нефть нархи жаҳон бозорида ҳозиргача 2014 йил нархига етгани йўқ) глобализация жараёнига ўз таъсирини ўтказди.

2019 йилда Хитойда бошланган SARS-CoV-2 пандемиясидан бутун дунё мамлакатлари ҳалигача иқтисодий жиҳатдан зарар кўрмоқда. Шуни айтиш жоизки, пандемия даврида мамлакатлар ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий узилишлар бевосита макро даражадан микро даражага ўтмоқда. Яъни ишлаб чиқарувчилар сотадиган маҳсулотга харидор томонидан ўз вақтида тўлов қилинмаслиги ўз-ўзидан қарздорлик кўпайишига олиб келмоқда. Кейинги босқичда харидорлар молиявий қийинчилик ёки инқирозга дуч келса, етказиб берувчилар товар маҳсулот учун тўлов олмаслиги ҳам мумкин. Ҳозирги пандемия шароитида бунинг яққол гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ишлаб чиқарувчилар бозорни эгаллаш ва пандемиядан олдинги кўрсаткичда маҳсулот ишлаб чиқариш, ўзаро рақобат қилиш ва бозорда ўз ўрнини топиш учун мавжуд шароитга мослашиш, халқаро бозорга чиқиш учун ўз мижозларига қулай ишбилармонлик имкониятларини таклиф қилиши керак. Мавжуд рақобатни шакллантириш, томонларнинг савдо муносабатларида вужудга келадиган дебиторлик қарздорлик ва

уни бартараф этиш йўллариини излаш ишлаб чиқарувчилар учун ечилиши муҳим бўлган масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада улар учун альтернатив молиявий хизматлардан бири – бу факторинг амалиётидир.

Адабиётлар таҳлили

Халқаро миқёсда факторинг операцияларининг кўлами кенгайиб бормоқда. Факторингнинг Халқаро миқёсдаги роли ҳамда ўрни ҳақида иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилди.

Бу борада Sasa Ivanovic ва бошқа тадқиқотчилар [1] қуйидаги фикрларни билдиришган: “Факторинг ташқи молиялаштириш манбаси сифатида тараққий этган давлатларда тобора ривожланмоқда. Бунинг асосий сабаблари тижорат банклари томонидан хўжалик субъектларига уларнинг молиявий ҳолати ва олаётган даромадидан келиб чиқиб кредитлаш эмас, балки мавжуд дебиторлик қарзларининг умумий ҳажмидан келиб чиқиб, факторинг орқали молиялаштирилиши ва ушбу молиявий хизматга бўлган талабнинг тобора ўсишидир. Факторингнинг альтернатив молиявий хизмат сифатида хўжалик субъектларини молиялаштиришда муҳим роль ўйнаши бошқа молиявий хизматлардан кўра факторинг турли хил инқирозлар даврида фақат ўсиш суръатларини намоён қилиб келганлиги билан ажралиб туради.

Чиндан ҳам, дунё миқёсида факторингнинг ўсиш суръатлари охириги ўн йилликдаги инқирозларда сезиларли пасаймаган (агар 2019 йилда бошланган SARS-CoV-2 пандемиясини ҳисобга олмасак). Сўзимизнинг исботи сифатида W. Bogdan ва A. Ostrouskalarнинг қуйидаги фикрини келтирмоқчимиз [2]: “...умумий ҳолда 2004–2010 йилларда факторинг кўлами давлатлар ўртасида жаҳон молиявий инқирози даврида (2008–2009 йилларда) биров пасайишини ҳисобга олмасак, фақат ўсиш суръатларини кўрсатган, хусусан, 2010 йилда ички факторинг 20%, ташқи факторинг эса муносиб равишда 34% га ошганлигини кўришимиз мумкин. Охириги ўн йилликда дунё бўйича факторинг ҳажмининг ўсиш ҳажми 1,5-2,9 трлн долларни ташкил қилмоқда”.



И.Е. Покеместовнинг фикрига кўра, одатда, ички (миллий) факторинг ташқи факторинг операцияларидан кўлами жиҳатидан бир неча баробар ортиқ бўлади ва бу табиий ҳол. Зеро, ички факторинг ташқи факторинга қараганда тўғридан-тўғри амалга оширилиши ҳисобидан шу нисбат юзага келади. Одатда, ташқи факторинг ҳажми ички факторингнинг 10-15% ини ташкил қилиши керак. Агар бу кўрсаткичдан кам ёки кўп бўлса, бу ўша давлатда иқтисодий ривожланиш яхши эмаслигини билдиради [3].

И.Е. Покеместовнинг ушбу фикридан хулоса қиладиган бўлсак, ички ва ташқи факторинг операциялари ҳажми ўша давлатдаги иқтисодий ўсиш индикатори вазифасини ҳам бажаради.

Жаҳон Банкнинг факторинг бўйича бир қатор Европа давлатларида олиб борган тадқиқот натижаларига кўра [4], факторинг операциялари ҳажмининг ЯИМдаги улуши қонунчиликда молиявий хизмат тури сифатида тан олинishi билан тўғридан-тўғри боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Marie H.R. Bakker ва бошқалар фикрича, кўпгина давлатларда факторинг бозори ҳажмининг ЯИМдаги умумий улуши нисбатан баланд. Масалан, Италия, Буюк Британия ва Португалияда бу кўрсаткич 12-15% бўлса, Германияда 3% ни ташкил қилади. Умуман, Халқаро миқёсда иқтисодчи олимлар факторинг қонунчилигини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келишган: "...қайси давлатда факторинг бўйича қонунчилик ва назорат қаттиқ бўлса, факторинг ривожланиши шунчалик паст бўлади" [5].

Факторингнинг ташқи операцияларини амалга оширишда, шубҳасиз, халқаро факторинг ассоциацияларининг роли бекиёсдир. Бу борада И.Е. Покеместов, М.В. Леденевлар қуйидаги фикрни билдиришган. "Факторинг компания ташқи бозорда ишлаш учун бирон-бир гуруҳ аъзоси бўлиши шарт эмас, ўзи мустақил ҳам фаолият юрита олади, лекин Халқаро Ассоциациялар билан ҳамкорлик қилиш Халқаро факторинг операцияларини бажаришда кенг имкониятларга йўл очади". [6]. Кўшимча сифатида шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик субъ-

ектлари мамлакат ташқарисида экспорт операцияларини олиб борганда ва унинг оқибатида дебиторлик қарздорлиги пайдо бўлганда, факторинг компанияси ёки тижорат банки Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI)га аъзо бўлса, ушбу қарздорликни ундириш ва молиялаштиришда риск камаяди [7].

Материал ва методлар

Тадқиқот жараёнида халқаро факторинг ва унинг ривожланишига таъсир этувчи турли хил халқаро ташкилотлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди. Адабиётлар шарҳида иқтисодчи олимлар томонидан халқаро факторинг бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар чуқур таҳлил қилинди. Жаҳон факторинг операцияларининг охириги ўн бир йиллик маълумотлари таққослама ва эконометрик таҳлил қилинди, муаллифларнинг фикр-мулоҳазалари келтирилди.


Тадқиқот натижалари

Факторинг ривожланган давлатларнинг хўжалик субъектлари томонидан ташқи молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири сифатида кенг тарқалмоқда, унинг самардорлиги ва қулайлигини бизнес вакиллари яхши қабул қилмоқда. Айниқса, факторинг молиялаштириладиган маблағ кредит кўринишида эмас, балки хўжалик субъектлари тўғридан-тўғри дебиторлик қарздорлигининг умумий ҳажмига боғлиқлиги улар учун жорий активларни тўлдириш ва айланма маблағлар даврийлигини таъминлаш йўлида кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Хўжалик субъектлари учун айланма маблағлар даврийлигини оширишда, факторинг амалиётининг янги молиявий хизмат сифатида қабул қилиниши, айниқса, тижорат банкидан кредит олмасдан, муқобил молиялаштириш йўли, яъни факторинг орқали амалга ошириш самарали кечмоқда. Бизнес вакиллари учун мазкур қарор қуйидаги факторларга асосланади: улар томонидан факторинг амалиётининг альтернатив молиявий хизмат сифатида қабул қилиниши, қисқа муддатли кредитлаш ва бошқа ташқи молиявий хизмат (лизинг, форфейтинг)дан фарқли ўлароқ, факторинг операциялари ҳар қандай



иқтисодий шароитда ҳам бутун дунё бўйича деярли ўзгаришсиз қолаётганлиги, айниқса, дунё иқтисодий молиявий ҳолати пандемия

туфайли анча орқага кетганига қарамасдан, факторинг амалиёти барқорор амалиёт сифатида кўринмоқда [8].



**Расм. Дунё бўйича ички ва ташқи факторинг операциялари айланмаси
2007–2019 йй. (млрд евро)**

Манба: Халқаро факторинг Ассоциацияси (<https://fci.nl/en/> FCI Annual Review) йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси.

Факторинг ўсишини қитъалараро кўрадиган бўлсак, охириги ўн йилликда Осиё давлатларидан Хитой, Тайвань, Япония, Жанубий Корея; Африка давлатларидан Миср ва Марокаш; Шарқий Европа давлатларидан Болгария, Руминия, Чехия ва Польшада мисли кўрилмаган даражада ривожланиш кузатилмоқда.

Халқаро статистикага тўхталадиган бўлсак, ривожланган ва ривожланаётган давлатларда 2000 йиллар ўрталарида факторинг ҳажми 860 млрд долларга етган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 2 трлн 367 млрд доллар ва 2019 йилга келиб 2 трлн 917 млрд долларни ташкил қилди. Бу 2004 йилдан 2019 йилгача 70% га ўсганини кўрсатади (расмга қаранг).

XXI асрга келиб факторинг амалиёти ривожланган ва ривожланаётган давлатлар учун қулай инновацион молиявий хизмат турига айланди. Зеро, ишлаб чиқарувчилар ҳамда экспортёрлар факторингни маҳсулот ва хизматларни ички ва ташқи бозорда,

рақобатда устун келиши, кўпроқ маҳсулот сотиш учун альтернатив ва қулай молиявий хизмат тури сифатида кўришмоқда. Халқаро факторинг амалиётининг жаҳон иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси анча юқори. Уни ривожлантириш ва давлатлар ўртасида факторинг операцияларини бажариш асосида юзага келадиган иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш учун халқаро миқёсда факторинг амалиёти бўйича иккита ҳужжат ишлаб чиқилган.

Биринчиси, 1988 йилда Канаданинг Оттава шаҳрида имзоланган UNIDROIT (Халқаро миқёсда ҳуқуқий муносабатларни бирлаштирувчи ташкилот) Конвенцияси [9]. Ушбу конвенция 1995 йилдан кучга кирган ва дастлаб унга 5 та давлат аъзо бўлган. Ҳозирги кунда эса 60 дан ортиқ давлатлар мазкур конвенцияни ратификация қилган. Конвенцияни ратификация қилган давлатлар факторинг операцияларини ташқи (экспорт-импорт) кўринишда амалга оширишда айнан шу конвенция моддалари асосида



иш кўрадилар. Кўплаб давлатлар нафақат ташқи, балки ички факторинг бўйича ҳам ўз ички норматив ҳужжатларини мазкур конвенция моддаларига мослаштирганлар¹.

Кейинги асосий ҳужжат бу БМТнинг 51/86 номли ЮНСИТРАЛ (БМТнинг Халқаро ҳуқуқий Савдо комиссияси) Конвенцияси ҳисобланади. Мазкур конвенция 2001 йил БМТнинг 51-сессияси 86-пленар йиғилишида тасдиқланган [10]. Ҳозирги вақтда 60 дан ортиқ давлатлар бу конвенцияни ратификация қилган. Ушбу конвенцияда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, маҳсулотларни чегарадан ўтказиш, уларни харид қилиш учун яратилган молиявий ва ҳуқуқий амалиётлар имкон қадар тез ва сифатли бажарилиши кўзда тутилган. Шундай хизматлардан бири бу факторинг ҳисобланади. Халқаро факторинг операцияларини амалга оширишда ҳар бир мамлакатнинг ички норматив-ҳужжатларини Халқаро даражага мослаштириш ва унификация қилиш юқоридаги конвенцияларнинг асосий мақсад ва вазифаларига киради.

Халқаро факторинг ички факторинг ривожланиши ўлароқ вужудга келган бўлиб, мазкур операцияда бир ёки иккита (экспортёр ва импортёр) фактор иштирок этади.

Халқаро факторинг амалиётининг икки тури мавжуд:

тўғридан-тўғри экспорт ё импорт факторинг;

икки контур (омил)ли факторинг.

Тўғридан-тўғри экспорт-импорт факторингда битта фактор қатнашади ва у экспортёр ёки импортёр мамлакатда туриб операцияларни бошқаради.

Икки контурли факторинг амалиётида мамлакатлар ўртасида иккита тижорат банки (факторинг компанияси) халқаро факторинг операцияларини амалга оширишни англатади. Бунда етказиб берувчи ва харидор томонидан тақдим этиладиган маҳсулот ёки хизмат туридан келиб чиқадиган дебитор-

лик қарздорлиги ҳуқуқи ва риск икки фактор ўртасида тақсимланади. Натижада Банк (факторинг компания) томонидан резидент етказиб берувчи ва норезидент харидорга ҳам ҳисоб-китоблар ҳамда факторинг хизматлари кўрсатилади ва бу операцияларда тўртта иштирокчи қатнашади.

Хорижий мамлакатларда факторинг компанияларини келиб чиқиши бўйича 3 гуруҳга бўлиш мумкин: миллий, минтақавий ва халқаро компаниялар.

Гуруҳлаш бўйича Миллий факторинг компанияларига Буюк Британия факторинг ассоциацияси (Asset Based Finance Association Limited)ни мисол қилиб келтириш мумкин². Британиядаги Royal Bank of Scotland, Bank of RBS Invoice Finance, ABN AMRO Commercial Finance, Barclays Trade and Working Capital каби йирик банклар мазкур Ассоциация аъзолари саналади. UK Finance (UKF) (Ассоциациянинг ҳозирги номи)нинг асосий вазифаларига факторинг компанияларининг мавжуд муаммоларини ҳукумат органларига етказиш, факторинг бозорининг жорий ҳолати ҳақида Ассоциация аъзоларига хабар бериш, фаолиятининг умумий таҳлил ва ҳисоботларини юритиш, факторинг амалиётини ривожлантириш учун янги стратегия ва йўл хариталарини тузиш киради [11].

Яқин хориж давлатларидан Россия Федерациясида 2008 йилда шунга ўхшаш Миллий факторинг компаниялари ассоциацияси ташкил қилинган. Ҳозирги вақтда ушбу Ассоциацияга 21 та банк аъзо бўлиб, НФК банки (*Национальная факторинговая компания*), ВТБ факторинг, Сбер Факторинг, Райффайзен Банк Факторинг шулар жумласидандир [12].

Ўзбекистон Республикасида факторинг билан шуғулланадиган тижорат банклари умумлашган, Буюк Британия ёки РФдаги каби Ассоциациялар мавжуд эмас [13]. Фикримизча, мазкур Ассоциацияни ташкил қи-

¹ Постсовет давлатларидан Эстония, Латвия, Литва, РФ ва Украина Халқаро микёсда факторингнинг ҳуқуқий муносабатларни бирлаштирувчи UNIDROIT Конвенциясини ратификация қилган.

² Мазкур Ассоциация 1976–2007 йиллар давомида Association of British Factor Limited номи остида ўз фаолиятини бошлаган ва Ассоциация ҳозирги вақтгача номини бир неча бор ўзгартирган. Жумладан, 2007–2017 йилларда ABFA (Asset Based Finance Association) сифатида фаолият юритган ва 2017 йилдан UK Finance (UKF) таркибига қўшилган. ukfinance.org.uk сайти маълумоти.



лиш ҳамда факторинг билан шуғулланадиган компаниялар ва тижорат банкларини бир жойга тўплаш вақти аллақачон келган.

Халқаро факторинг амалиётида экспорт факторинг операцияларини амалга оширишда импортёр давлатда ишончли фактор-ҳамкор топиш мушкул вазифа ҳисобланади. Чунки ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёр маҳсулот экспорт қилинганда, бир қатор муаммолар юзага келиши мумкин: жумладан, иккита давлат ўртасидаги юридик тафовутлар, харидорнинг молиявий ҳолати, валюта алмашинув курси – буларнинг барчаси битим имзолаш асносида ўзаро номутаносибликларга олиб келиши мумкин. Экспорт факторинг шартномаларини амалга оширишда Халқаро факторинг бозорида ярим асрдан кўпроқ вақт ичида фаолият юритаётган, Халқаро кўп тармоқли факторинг компанияларини ўз ичига олган Халқаро факторинг ассоциацияси Factor Chain International (FCI) ишончли ҳамкор ҳисобланади [14]. 2016 йил IFG (International Factoring Group) халқаро факторинг гуруҳи билан бирлашган Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI) дунё бўйича 400 дан ортиқ факторинг компанияларини бирлаштирган ва дунё бўйича 90 дан ортиқ давлатларда умумий факторинг операцияларининг 80% дан ортигини амалга ошириб келмоқда. Факторинг операцияларини Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI) орқали амалга оширишнинг бир қатор қулайликлари мавжуд.

Экспортёрлар (ишлаб чиқарувчилар) ўзида мавжуд ҳамма дебиторлик қарздорлигидан келиб чиқиб, унинг ҳуқуқ мажбуриятини экспортёр факторга ўтиши ҳақида шартнома тузади. Шундан кейин экспортёр фактор кейинги жараёнлар учун масъул ҳисобланади.

1. Факторинг компания (тижорат банклари) экспортёр товар маҳсулот экспорт қилинган давлатдан ўзига Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI) ёрдамида мақбул факторинг компания (тижорат банклари) импортёрни топади ва унга дебиторлик қарздорлиги ҳисоб-фактураларини жўнатади.

2. Кейинги босқичда фактор импортёр харидор ҳақида тўлиқ маълумот тўплашга

киришади, энг асосийси, бу унинг тўлов қобилияти ҳақидаги маълумот ҳисобланади. Мазкур маълумотлар харидор ва сотувчи ўртасида аккредитив ҳисоб-рақамини очмасдан, факторинг операциясини амалга ошириш имконини беради.

3. Товар жўнатилгандан сўнг экспорт фактор экспортёрга ҳисоб-фактуранинг 80% гача бўлган миқдорини дисконт нархда тўлаб беради.

4. Харид амалга оширилгандан сўнг импортёр фактор дебиторлик қарздорлигини импортёр томонидан тўлаб бериш бўйича барча масъулиятни ўз зиммасига олиб, экспортёр факторга келишилган суммани тўлайди.

Агар шартномада кўрсатилган муддат ичида (90-120 кунгача бўлган вақт) ҳисоб-варақалар импортёр томонидан тўланмаса, унда импорт фактор шартномадаги ҳамма суммани тўлаб беради [15].

Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI) нинг асосий вазифаларига Халқаро факторинг операциялари кўламини кенгайтириш, факторинг амалиёти бўйича ягона методика яратиш ва уни бутун платформада синаб кўриш, халқаро миқёсда эса Ассоциация аъзоларига ёрдам кўрсатиш ва факторинг амалиёти бўйича вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш киради. Бош офисдаги ижро кўмитаси аъзолари факторингнинг вакиллик органи бўлиб, Халқаро ва ички факторинг амалиёти бўйича дебиторлик қарздорлигини молиялаштиришда асосий стратегияларни ишлаб чиқади.

Юқоридаги барча операциялар SWIFT тизимига ўхшаш Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI)нинг edifactoring.com сайти орқали хавфсиз амалга оширилади [16]. Бу операция трансакцион ва административ харажатларни қисқартиришга олиб келади. Энг муҳими, ўзаро информация ва савдо қилиш вақти қисқаради. Иккинчидан, классик факторинг амалиётига ўхшаб экспортёрлар фақат ишлаб чиқариш ва сотиш, экспорт ва импорт факторлари эса дебиторлик қарздорлигини ундириш ва шу каби бошқа масалалар билан шуғулланади.



1-жадвал

Дунё бўйича факторинг амалиёти йиллар кесимида (2009–2019 йй. млн евро)

	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2019-20 нисбати, % да
Европа	877	1045	1219	1298	1354	1463	1557	1593	1702	1829	1976	1845	93
Осиё ва Океания	250	401	566	622	622	649	597	556	657	696	688	697	101
Шим. ва Жан. Америка	142	186	207	188	192	207	194	199	209	211	219	150	69
Африка ва Яқин Шарқ	15	17	23	23	23	30	25	28	30	31	34	35	101
Жами	1284	1648	2015	2131	2191	2348	2373	2376	2598	2767	2917	2727	93

Манба: Муаллиф томонидан Халқаро факторинг ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги жадвал асосида дунё бўйича берилган факторинг обороти кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2009 йил Жаҳон молиявий инқирозидан сўнг факторинг операциялари кескин ошганини кўришимиз мумкин. 2014–2016 йилларда, бошида айтиб ўтилганидек, факторинг операцияларида бироз пасайиш кузатилган. Бу ҳолат, айниқса, Осиё ва Океания, Шимолий ва Жанубий Америкада яққол кўзга ташланган. Охириги икки йилни олиб қарайдиган бўлсак, албатта, SARS-COV-2 пандемияси таъсирида бутун дунё бўйича факторинг операциялари пасайган. Масалан, Европада 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 7% пасайиш кузатилган бўлса, Америка қитъасида бу кўрсаткич 31% га етган. Осиё ва Афри-

ка қитъаларида эса бироз ўсиш кузатилган (+1%).

Юқоридаги жадвалдан хулоса қиладиган бўлсак, турли хил инқирозлар факторинг айланмасига сезиларли таъсир ўтказмайди.

Умумий факторинг обороти бўйича Stata дастурида ҳар бир қитъа учун олиб борилган эконометрик таҳлил натижалари куйидаги жадвалда (2-жадвал) акс эттирилган. Бу ерда факторингнинг умумий айланмасини боғлиқ ўзгарувчи (y) ва қолган кўрсаткичларни мустақил боғловчи (x_1, x_2, x_3, \dots) сифатида таҳлил қилинди. Натижалардан келиб чиқиб, ушбу тенглама тузилди:

$$y = V_0 + V_1(\text{ЯИМ}) + V_2(\text{ЯИМ дефлятори}) + V_3(\text{инфляция}) + V_4(\text{экспорт}) + V_5(\text{импорт}) + V_6(\text{Ялпи капитал}) + \epsilon.$$

2-жадвал

Факторинг оборотининг қитъаларда бошқа муҳим иқтисодий кўрсаткичлар билан боғлиқ эконометрик таҳлили

№	Давлатлар	R ²	P қиймат	F статистика
1	Европа Иттифоқи	1	0.05*	0.0017*
2	Лотин Америкаси ва Кариб давлатлари	0.98	0.1***	0.04*
3	Шарқий Осиё ва Океания	0.98	0.1***	0.08**
4	Шимолий Америка давлатлари	0.87	0.1***	0.09**

Манба: Муаллиф томонидан worldbank.org ва Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI) маълумотларига асосланиб, компьтер дастурида тайёрланган.

Изоҳ: Коэффициент ва статистикаларнинг муҳимлик даражаси юлдузчалар билан белгиланади. Яъни 1% лик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлса, битта юлдуз (*), 5% лик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлса, иккита юлдуз (**), 10% лик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлса, учта юлдуз (***).



Европа Иттифоқини олиб қарайдиган бўлсак, биринчи навбатда, R квадратга баҳо берамиз ва унда 100 фоиз жуда кучли даражада боғланиш мавжуд, яъни детерминация коэффиценти 100 фоизга тенг экани кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик жуда кучлилигини билдиради. Демак, танланма ҳам популяциянинг 100 фоизини қамраб олган.

Иккинчи коэффицент R қиймат ҳисобланиб, бу коэффицент ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликнинг аҳамиятлилигини билдиради. Одатда, ушбу коэффицент ҳам 0,05 дан кичик бўлса, боғланиш аҳамиятли ҳисобланади. Тенгламада бу коэффицент 0,005 атрофида, яъни ўзгарувчилар ўртасидаги боғланиш статистик жиҳатдан аҳамиятлидир.

Учинчи коэффицент F статистика бўлиб, у ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик эҳтимоллигини билдиради. Бу коэффицент ҳам, одатда, 0,05 дан кичик бўлганда, регрессия тенгламасини ижобий деб қараш мумкин. Натижадаги F статистика 0,001... тенг. Демак, тенгламанинг бир-бирига таъсири эҳтимоллиги юқори.

Қолган қитъалар бўйича умумий таҳлил қиладиган бўлсак, R квадрат қолган 3 та таҳлил натижасига кўра 87 фоиздан юқори. Бу ҳам кучли даражада боғланиш мавжудлигини кўрсатади.

Иккинчи коэффицент R қиймат ҳисобланиб, бу коэффицент ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликнинг аҳамиятлилигини билдиради. Одатда, ушбу коэффицент ҳам 0,05 дан кичик бўлганда, кўрсаткичлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланар эди, лекин бизнинг мисолимизда ҳар учала қитъа мисолида коэффицентлар 10% лик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражасида.

Учинчи коэффицентимиз F статистика бўлиб, у ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликнинг эҳтимоллигини билдиради. Бу коэффицент, одатда, 0,05 дан кичик бўлганда, регрессия тенгламасини ижобий деб қараш мумкин. Бизнинг натижамизга кўра, биргина Лотин Америкаси ва Кариб давлатлари 1% лик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли. Қолган кўрсаткичла-

римиз 5% лик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб турибди. Умумий ҳолда тенгламамининг бир-бирига таъсири эҳтимоллиги юқори, яъни кўрсаткичларимиз 10% лик муҳимлик даражасидан ошмаган ва статистик жиҳатдан аҳамиятли.

Факторинг операциялари жадвалдаги қитъаларо таққослама ва эконометрик таҳлил натижаларига кўра, 2007–2009 йиллардаги Жаҳон молиявий инқирози ва 2014–2016 йиллардаги иқтисодий инқирозлар дунёда факторинг обороти ўсишига унчалик катта таъсир қилмаган. Лекин 2019 йилдаги пандемиядан кейинги иқтисодий ҳолат жиддий ҳисобланиб, факторинг обороти жадвал кўрсаткичларида сезиларли пасайган. Айниқса, Европа ва Шимолий Америка қитъаларида бу пасайиш кўзга ташланган бўлса, Осиё ва Африка қитъаларида пасайиш кузатилмаган. Эконометрик таҳлил натижаларининг 1% лик муҳимлик даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлмаслиги сабабларини ҳам айнан пандемия оқибатларида деб талқин қилишимиз мумкин.

Тадқиқот натижалари таҳлили

Ҳозирги пайтда бошқа давлатларда пайдо бўлган дебиторлик қарздорлигини факторинг орқали ҳисоб-китоб қилиш жараёнида бир қанча муаммолар туғилмоқда. Авваламбор, бунга сотувчи ва харидорнинг иккита давлатда эканлиги ва мазкур давлатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир-биридан фарқланиши асосий сабаблардан биридир. Иккинчидан, сотувчи ва харидор яқиндан иш фаолиятини олиб бориш жараёнида ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги. Учинчидан, тўлов қобилияти (тўланмаслик) risks юқорилиги факторинг компания (тижорат банки)нинг чет эл компаниялари дебиторлик қарздорлигини сотиб олишга хайрихоҳ эмаслигини кўрсатади. Муаммонинг ечими сифатида муаллифлар томонидан қуйидаги таклифлар берилмоқда: йирик факторинг компаниялари ва унинг бошқа давлатлардаги филиаллари бу операцияларни бажариши мумкин, бироқ бу эндигина иш фаолиятини бошлаган



факторинг компаниялари учун ечим бўла олмайди, чунки улар тез фурсатда ўз филиалларини бир нечта давлатларда очолмайди.

Иккинчи таклиф сифатида кредитни суғурталаш келтирилмоқда. Яъни факторинг компания хорижий дебитор қарздорлиги суғуртасини сотиб олади. Бу ерда фактор суғурта компанияси хорижий дебиторлик қарздорлигига хизмат кўрсатгани учун ўз фойдасини олади. Шундай қилиб, фактор ва суғурта компания бир-бирининг хизматини тўлдиради.

Ва ниҳоят, муаммонинг асосий ечими сифатида икки томонлама (икки контурли) факторинг тизими таклиф қилинмоқда. Бунда факторинг компания Халқаро факторинг ассоциацияси билан биргаликда факторинг амалиётини бажариши керак. Мазкур интеграциялашув жараёни Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ва уларнинг мижозлари учун ҳам муҳим ҳисобланади. Зеро, хориждаги ишончли шерик уларнинг дебиторлик қарздорлигини молиялаштириш ва ундиришга бўлган ҳаракатлар, қолаверса, тўланмаслик рискинни камайтиришга олиб келадиган механизм ҳисобланади.

Хулосалар

Шубҳасиз, факторингнинг молиявий хизмат асосида ривожланишида Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI)нинг роли бекиёс. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда фақат битта тижорат банки бу Ассоциацияга аъзо³. Лекин мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини ҳисобга олсак, албатта, республикамиз тижорат банкларининг Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI)га аъзо бўлиш жараёни тезлаштириш керак⁴.

Мазкур Халқаро ассоциацияга аъзо бўлишнинг бир қанча ижобий томонлари бор. Биринчидан, агар экспортёрлар ўз маҳсулотини сотиш жараёнида факторинг хизматидан фойдаланса, уларнинг Халқаро бозор-

ларга кириб бориши осонлашади. Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI) бунинг учун кенг имкониятлар эшигини очади, чунки Ассоциация кўпгина давлатларда ўз минтақавий офисларига эга. Иккинчидан, факторинг билан шуғулланадиган тижорат банки чет эл бозорига чиққанда, уларда молиявий ва ҳуқуқий муаммолар пайдо бўлса, Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI) уларни тезда бартараф эта олади. Учинчидан, маъмурий ва комплекс харажатларнинг қисқариши пул ўтказмалари ва пул айланмалари тезлигини оширади. Энг асосийси, факторинг амалиётининг икки контурли ишлаш тизимига ўтиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасида халқаро амалиётдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, яна бир муаммо – бу факторинг бўйича Миллий ассоциациянинг йўқлигидир. Уни ташкил этиш вақти аллақачон келганини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Мазкур Ассоциациянинг ташкил топиши учун нималар қилиш зарур ва ундан нималарни кутса бўлади? Биринчидан, Ассоциация бутун факторинг билан шуғулланадиган тижорат банкларини бир майдонда тўплаши ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиши лозим. Авваламбор, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир-бирига мослаштириш зарур, чунки факторинг бўйича Ўзбекистонда ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Учинчидан, мазкур Ассоциация аъзоларининг чорак ва йиллик йиғилишларини ўтказиб, амалдаги ҳолат ҳамда мавжуд муаммоларни ҳукумат ва қонун чиқарувчи органларга етказиш даркор. Қисқа қилиб айтганда, Ассоциация аъзолар ва ҳукумат ўртасида кўприк вазифасини бажариши лозим. Тўртинчидан, ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб, факторинг амалиётининг дастурий электрон платформаларини кенг татбиқ қилиш ва уни амалиётда жорий қилиш зарур.

³ АТБ “Капиталбанк” Халқаро факторинг ассоциацияси аъзоси бўлди. 30.06.2021. Банкнинг асосий сайтидан олинган маълумот. <https://kapitalbank.uz>

⁴ Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI) маълумотларига таянадиган бўлсак, факторинг компанияларининг кириш аъзолик бадални тахминан € 11 минг еврога ташкил қилади. Аъзо бўлиш шартларидан яна бири факторинг компания активлари 2 млн еврога ташкил қилиши керак.



REFERENCES

1. Sasa Ivanovic, M.Sc.; Suzana Baresa, M.A.; Sinisa Bogdan, M.A., “Factoring: Alternative Model of Financing”. *UTMS Journal of Economics.*, pp-3-4. April 2, 2011, 2(2):189-206 Croatia.
2. Wtodarczyk B., Ostrouska A. The Factoring market in Poland and European Union. *Olstyn Economic Journal*, 2017, no. 12 (3), pp. 307-321.
3. Pokamestov I.E. Rynok faktoringa zarubezhnyh stran. [Factoring market of foreign countries]. *Bankovskoe kreditovanie – Bank lending*, 2007, March 30, pp. 110-117.
4. Bakker M.H.R., Klapper L., Udell G.F. Financing Small and Medium-size Enterprises with Factoring: Global Growth in Factoring and Its Potential in Eastern Europe. The World Bank, Poland, Warsaw, 2004, vol. 1, pp. 1-50. ISBN 83-89188-17.
5. Leora Klapper. “The Role of Reverse Factoring in Supplier Financing of Small and Medium Sized Enterprises”. Development Research Group the World Bank Washington, DC. 2004, pp. 1-32.
6. Pokamestov I.E., Ledenev M.V. Faktoring. Uchebnoe posobie. [Factoring. Tutorial]. Moscow, 2013, INFRA-M, p. 87.
7. FCI Annual review 2017. Available at: <https://www.fci.nl/en/>.
8. Bobobekov F. Puti razvitiya faktoringa v postkovidnom periode. Aaktual’nie problemi razvitiya obshchestva v postkovidnom mire: Materiali mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy videokonferensii. [Ways of development of factoring in the postcoid period. Actual problems of the development of society in the post-like world: Materials of the international scientific and practical videoconference]. Tashkent, 2021, pp. 62-67.
9. UNIDROIT Convention on International Factoring (Canada, Ottawa 1988).
10. United Nations Convention on the Assignment of Receivables in International Trade (New York, 2001).
11. UK Finance is the collective voice for the banking and finance industry. Available at: <http://www.ukfinance.org.uk/>.
12. Associaciya faktoringovyh kompanij (AFK) – professional’noe obshchestvennoe ob#edinenie uchastnikov rynka faktoringa v Rossijskoj Federacii [The Association of Factoring Companies (AFK) is a professional public association of participants in the factoring market in the Russian Federation]. Available at: <http://www.asfact.ru/>.
13. O‘zbekiston Respublikasining «Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalash faoliyati to‘g‘risida»gi qonuni loyihasida Nobankkredit tashkilotlari o‘zlarining uyushmalarini tashkil qilishi mumkinligi aytib o‘tilgan [The draft law of the Republic of Uzbekistan «On non-bank credit institutions and microfinance activities» states that non-bank credit organizations may establish their own associations]. Available at: <https://www.regulation.gov.uz/>.
14. Available at: <https://fci.nl/en/organisation>
15. Available at: www.fci.nl/en. FCI Annual review 2017. Xalqaro Faktoring Assosiasiyasi (FCI) 2017.
16. Available at: <https://databank.worldbank.org/reports>

Такризчи: Ф.К. Холмаматов, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Тошкент молия институти.